



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 16 - yanvar

10 f -son

Bog‘ot shaharchasi

1. Туман ҳокимининг 2021 йил 5 январдаги 1ф сонли фармойишига асосан туман ҳокимиятига ажратилган 11 412 минг сўм маблағ тўлиқ захира жамғармасига тиклансин.

2. Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимининг 2021 йил 16 январдаги №02-10/22 сонли сўровномасини ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши 2020 йил 31 декабрдаги №30/135-2 сонли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан туман ҳокимлигига жами 10 664 минг сўм маблағ, шундан “Ҳар бир тадбиркор-ёшларга мададкор” тамойили асосида тадбиркорлик ўқув курслари учун зарур канцелярия моллари ва тарқатма материаллар харажатлари учун 3 000 минг сўм, бўшаб қолган депутатлик ўринларига сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун 3 000 минг сўм, туман ҳокимиятига канцелярия товарлари ҳамда қоғоз харид қилиш харажатлари учун 3 064 минг сўм, моддий техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун 1 600 минг сўм ажратилсин.

3. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Туман Ғазначилик бўлини маси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Богот туман ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев